
"Лойиҳалар ярмаркаси" ташкил этилди.

Данғара туманида тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлар, ёш ишбилармонлар лойиҳа ва ғояларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида "Лойиҳалар ярмаркаси" ташкил этилди.

Ярмаркада тижорат банклари масъул ходимлари ҳамда фаолияти тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар иштирок этдилар.

Ярмарка давомида мутасаддилар ажратилган имтиёзли кредит ва субсидиялар асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишиб, амалга оширилаётган лойиҳаларни баҳолаш имкониятига эга бўлдилар.

2025-01-20 10:09:33